

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Мадрахимова Гуласал Рўзимбой қизи,
ТДИУ ассистенти

E-mail: gmadrahimova@list.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётида бозор хизматларининг ўрни ва аҳамияти, кўрсатилган хизматлар ҳажми ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва ҳудудлар кўрсаткичини республика кўрсаткичига нисбатан қиёсий таҳлили олиб борилган ва хизматлар соҳасини ҳудудлар миқёсида ривожлантириш масалаларига эътибор берилган.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль и значение рыночных услуг в экономике Республики Узбекистан, также проведен анализ услуг в межрегиональном сопоставлении и в сопоставлении региональных услуг с показателями по республике, приводятся рекомендации по развитию сферы услуг в разрезе регионов.

Abstract: In this article the role and importance of market services of the economy of the Republic of Uzbekistan is considered as well as the analysis of services in interregional comparison and comparison of regional services with the figures of republic is provided. Additionally, recommendations for the development of the sphere of services in the regions are given.

Калитли сўзлар: хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш, хизматлар бозори, ҳудудлар, саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари.

Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолини иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори бўйича бошқа соҳалардан устун ҳисобланади. Масалан Франция ЯИМ нинг 71,1 фоизи хизмат кўрсатиш, 26,5 фоизи саноатда, 2,4 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади, ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида фаол аҳолининг 62 фоизи иш билан банд. Хизмат кўрсатиш соҳасининг бозор механизмлар асосида ривожланиши, иқтисодиётимизни ривожланишида, ЯИМни оширишда ва аҳолини иш билан таъминлашда лидер соҳалардан ҳисобланади. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияларини, унга таъсир қилувчи барча эндоген ва экзоген, ҳамда интенсив ва экстенсив омилларни ҳам назарий ва амалий томондан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва бу хизматлар соҳасини самарали ривожлантириш стратегиясини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш тармоқларидаги мавжуд бўлган катта имкониятларни ишга солиниши мамлакатимизнинг хизматлар соҳасини иқтисодиётимизнинг энг устун, инновацион ривожланадиган секторга айланишига олиб келади, бизнес муҳитини ривожланишига ва энг муҳими аҳолининг турмуш сифатини ва даражасини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли

фармони [1] нинг учинчи устувор йўналишида ҳам хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини, аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш каби масалалар алоҳида белгилаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хизматлар соҳасини ривожлантириш масалаларини П.Друккер томонидан тадқиқ этишган [2]. Бу олим жамиятнинг асосий тавсифи сифатида мамлакат ЯИМда хизматларнинг юқори салмоққа эга бўлишини асослаб берганлар. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва методологик масалалари россиялик иқтисодчи олимлар Г.Л.Азоев, А.П.Челенковларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган [3].

Шунингдек, хизматлар бозорини ривожлантиришда моддий-техник таъминот, ишлаб чиқариш воситалари маркетинги масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлар Э.Мате, Д.Таксьер, А.Бекмуродовларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган [4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар иқтисодий адабиётларда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг назарий асосларига тўхталиб, хизматлар тўғрисида бир нечта фикрларни илгари сурадилар. Уларнинг айримларини қуйида келтирамиз. И.Очиловнинг фикрича “... хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади” [5].

“Хизмат” ва “сервис” тушунчаларига биргаликда кенгроқ таърифни М.Қ. Пардаев берган. Унинг эътирофи этишича “сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, кишиларнинг наф келтирадиган, маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади. Кўриниб турибдики, хизмат нафақат инсонларга, балки корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, сервис асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат бўлиб ҳисобланади” [6].

Юқоридаги олимлар томонидан хизматлар бозорини оптималлаштириш-нинг назарий асослари тадқиқ этилган. Аммо, хизматлар соҳасини республика ҳудудлари бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тизимли тарзда тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида хизматлар соҳасини республика ҳудудлари бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига оид олимлар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини тадқиқ қилишда, биринчи навбатда, уни иқтисодиётда ва ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрнини ўрганиш, уни ривожланиш кўрсаткичларини ва тенденцияларини ҳудудлар миқёсида, ҳудудлараро қиёсий таҳлил қилиш ҳамда ушбу ҳудудий кўрсаткичларни республика кўрсаткичларига нисбатан қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Олинган

натижалар ҳудудларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда бошланғич, асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хизматлар соҳасини мамлакат миқёсида қарайдиган бўлсак, 2017 йилда жами кўрсатилган хизматлар 116795,7 млрд сўмни ташкил этган ва унинг ЯИМдаги улуши 47,3 фоизга тенг бўлиб, у бошқа қишлоқ хўжалиги (19,2%), Саноат (26,7%) ва қурилиш соҳалари (6,8%) улушидан юқори бўлган. Жаҳон тажрибасига таяниб айтадиган бўлсак, ушбу тенденция келажакда ҳам сақланиб қолади. Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича, 2017 йилда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (37529,4 млрд сўм) Тошкент вилоятида (9277,2 млрд сўм), Самарқанд (8237,6 млрд сўм), Андижон (6640,9 млрд сўм), Фарғона (7562,9) ва Қашқадарё (5841,0 млрд сўм) вилоятларида бўлган. Кўрсатилган хизматлар ҳажмининг паст даражаси Қорақалпоғистон Республикаси (3535,0 млрд сўм), Навоий (3034,4 млрд сўм), Сирдарё (1581,0 млрд сўм), Жиззах (2494,1 млрд сўм) вилоятларида кузатилади. Қолган вилоятларда бу кўрсаткичлар ўртача бўлиб, 3552,1-5841,0 млрд сўм оралиғида бўлган.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2013-2017 йилларда, ўтган йилга нисбатан ўсиш суратини қарайдиган бўлсак, республикада ушбу кўрсаткич, қайд этилган йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ўсишни 2017 йилни 2016 йил кўрсаткичларига нисбатан қарасак, юқори ўсиш суръати Самарқанд (36 фоиз), Андижон ва Хоразм вилоятлари (бу кўрсаткич 32 фоиз бўлган) ва Сирдарё вилоятида (30 фоиз) бўлган. Паст ўсиш Тошкент (0,10 фоиз), Навоий (0,12 фоиз) ва Сурхондарё (0,15 фоиз) вилоятларида кузатилган.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсатилган хизматларни таҳлил қиладиган бўлсак, барча ҳудудларда ва шу билан бирга мамлакатимизда ҳам бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга (2-жадвал). Ушбу кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан ўсишини қарасак, 2017 йилда юқори ўсиш суръатини Навои (3,33 баробар), Жиззах (2,38 баробар), Бухоро (2,37 баробар), Самарқанд (2,28), Андижон (2,27 баробар), Сирдарё (2,11 баробар) вилоятларида кўрамиз. Тошкент вилоятида бу кўрсаткич (1.90) паст бўлган.

Ҳудудларни республика бўйича кўрсатилган жами хизматлар қийматидаги улушини қарайдиган бўлсак, 2017 йилга келиб энг юқори улушга Тошкент шаҳри (32,1 фоиз) эга бўлган. Ундан кейин нисбатан юқори улушга эга, бу Тошкент (7,9 фоиз), Самарқанд (7,1 фоиз) вилоятлари. Паст улушга эга ҳудудларга Сирдарё (1,4 фоиз), Жиззах (2,1 фоиз), Навои (2,6 фоиз), Хоразм (3,0 фоиз) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 фоиз), ва Сурхондарё вилояти (3,8) киради. Қолган Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари улуши нисбатан паст бўлиб у 4,3 -4,6 фоиз оралиғига тўғри келади. Таҳлиллар кўрсатадики, кўрсатилган хизматларнинг юқори ҳажми саноати ривожланган ҳудудларга тўғри келади. Ҳудудларни мамлакат бўйича кўрсатилган хизматлардаги улушининг 2013-2017 йиллардаги динамикасини таҳлил этсак, Навои ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич камайган, Қорақалпоғистон Республикаси улуши ўзгармаган, қолган ҳудудларда у нисбатан ўсган. Юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрига (1,8 фоиз) тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми ва уларнинг 2013-2017 йилларида номинал қиймати бўйича ўсиш динамикаси¹

№	Йиллар	Кўрсатилган хизматлар ҳажми млрд. сўм					Хизматлар ҳажмининг йиллик ўртача миқдори (2013-2017)	Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан %					Ҳудудларни республика бўйича кўрсатилган хизматлардаги улуши %					
		2013	2014	2015	2016	2017		2013	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017	
1.	Ўзбекистон Республикаси*	53650,2	65880,4	75356,8	92536,0	116795,7	79749,04	1,23	1,14	1,14	1,23	1,26	100	100	100	100	100	
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	1626,7	2036,3	2391,4	2949,4	3535,0	2489,488	1,25	1,17	1,17	1,23	1,20	3,0	3,1	3,2	3,2	3,0	
вилоятлар:																		
3.	Андижон	2730,2	3539,5	4071,4	5028,6	6640,9	4331,263	1,30	1,15	1,15	1,24	1,32	5,1	5,4	5,4	5,4	5,7	
4.	Бухоро	2126,7	2682,6	3270,0	4190,8	5364,1	3472,2	1,26	1,22	1,22	1,28	1,28	4,0	4,1	4,3	4,5	4,6	
5.	Жиззах	971,5	1238,0	1611,1	2019,0	2494,1	1650,225	1,27	1,30	1,30	1,25	1,24	1,8	1,9	2,1	2,2	2,1	
6.	Қашқадарё	2396,5	3066,4	3637,3	4619,0	5841,0	3860,363	1,28	1,19	1,19	1,27	1,26	4,5	4,7	4,8	5,0	5,0	
7.	Навий	1470,4	1855,7	2175,4	2718,8	3034,4	2250,575	1,26	1,17	1,17	1,25	1,12	2,7	2,8	2,9	2,9	2,6	
8.	Наманган	2190,1	2829,9	3151,2	4130,2	5072,8	3435,688	1,29	1,11	1,11	1,31	1,23	4,1	4,3	4,2	4,5	4,3	
9.	Самарқанд	3352,5	4273,1	4847,4	6060,0	8237,6	5243,888	1,27	1,13	1,13	1,25	1,36	6,2	6,5	6,4	6,5	7,1	
10.	Сурхондарё	1929,5	2488,3	3080,8	3858,4	4429,2	3151,713	1,29	1,24	1,24	1,25	1,15	3,6	3,8	4,1	4,2	3,8	
11.	Сирдарё	668,6	821,5	983,3	1213,2	1581,0	1035,7	1,23	1,20	1,20	1,23	1,30	1,2	1,2	1,3	1,3	1,4	
12.	Тошкент	4615,2	5775,7	6726,4	8450,4	9277,2	6974,675	1,25	1,16	1,16	1,26	1,10	8,6	8,8	8,9	9,1	7,9	
13.	Фарғона	3144,9	3999,1	4664,4	5895,9	7562,9	4978,325	1,27	1,17	1,17	1,26	1,28	5,9	6,1	6,2	6,4	6,5	
14.	Хоразм	1572,0	1917,4	2192,3	2695,2	3552,1	2341,738	1,22	1,14	1,14	1,23	1,32	2,9	2,9	2,9	2,9	3,0	
15.	Тошкент ш.	16249,9	19754,4	23006,0	29351,1	37529,4	24750,29	1,22	1,16	1,16	1,28	1,28	30,3	30,0	30,5	31,7	32,1	

¹Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми ва аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг ўртача республика кўрсаткичига нисбатан улуши, индекси²

№	Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм	Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар					Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2013 йилга нисбатан ўсиш сўрати %					Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг ўртача республика кўрсаткичига нисбатан улуши индекси				
		Йиллар	2013	2014	2015	2016	2017	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Ўзбекистон Республикаси*	1759,4	2123,6	2386,6	2880,9	3576,8	1,21	1,36	1,64	2,03	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	936,8	1155,0	1335,2	1622,8	1918,7	1,23	1,43	1,73	2,05	0,53	0,54	0,56	0,56	0,54	
вилоятлар:																
3.	Андижон	973,2	1238,8	1398,9	1697,4	2205,1	1,27	1,44	1,74	2,27	0,55	0,58	0,59	0,59	0,62	
4.	Бухоро	1210,8	1502,5	1801,5	2273,3	2868,5	1,24	1,49	1,88	2,37	0,69	0,71	0,75	0,79	0,80	
5.	Жиззах	791,9	990,3	1238,4	1551,9	1882,5	1,25	1,56	1,96	2,38	0,45	0,47	0,52	0,54	0,53	
6.	Қашқадарё	827,7	1036,0	1202,2	1495,4	1855,4	1,25	1,45	1,81	2,24	0,47	0,49	0,50	0,52	0,52	
7.	Навоий	1631,8	2032,1	2344,4	2883,8	5439,9	1,25	1,44	1,77	3,33	0,93	0,96	0,98	1,00	1,52	
8.	Наманган	874,6	1107,9	1210,4	1557,2	1879,5	1,27	1,38	1,78	2,15	0,50	0,52	0,51	0,54	0,53	
9.	Самарқанд	973,0	1215,7	1352,5	1659,5	2214,6	1,25	1,39	1,71	2,28	0,55	0,57	0,57	0,58	0,62	
10.	Сурхондарё	835,9	1055,1	1277,5	1567,0	1762,4	1,26	1,53	1,87	2,11	0,48	0,50	0,54	0,54	0,49	
11.	Сирдарё	875,4	1057,1	1243,7	1510,6	1938,2	1,21	1,42	1,73	2,21	0,50	0,50	0,52	0,52	0,54	
12.	Тошкент	1693,1	2093,9	2407,4	2986,7	3241,8	1,24	1,42	1,76	1,91	0,96	0,99	1,01	1,04	0,91	
13.	Фарғона	928,7	1160,9	1330,7	1653,9	2089,1	1,25	1,43	1,78	2,25	0,53	0,55	0,56	0,57	0,58	
14.	Хоразм	933,4	1117,6	1255,0	1517,0	1968,2	1,20	1,34	1,63	2,11	0,53	0,53	0,53	0,53	0,55	
15.	Тошкент ш.	6906,3	8330,6	9613,1	12108,0	15221,2	1,21	1,39	1,75	2,20	3,93	3,92	4,03	4,20	4,26	

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўртача Республика кўрсаткичига нисбатан улушини (индексини) қарайдиган бўлсак, юқори кўрсаткич 2013 йилда фақат Тошкент шаҳрида кузатилган, Тошкент шаҳри бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган хизматлар ҳажми Республика кўрсаткичидан 3,93 баробар кўп бўлган. Самарқанд вилоятида бў кўрсаткич 0,55 га тенг, яъни, республика кўрсаткичининг 55 фоизини ташкил этади холос. Ушбу индексни 2017 йил бўйича қарайдиган бўлсак, бу индекснинг республика индексидан юқори бўлиши фақат, Тошкент шаҳрида (4,26 баробар) ва Навои вилоятида (1,52 баробар) кузатилган. Қолган 12 та ҳудудда бу индекс республика кўрсаткичидан паст. Нисбатан юқори индекс Тошкент (0,91) ва Бухоро (0,80) вилоятларида кузатилган. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиши, бир томондан, қўшимча иш ўринларини яратишга олиб келса, иккинчи томондан, аҳоли турмуш даражасининг ошаётганлигини билдиради.

Яна бир муҳим хулоса, хизматлар соҳасини ривожланиши асосан Тошкент шаҳрида юқори эканлигини кўрамиз. Тошкент шаҳри аҳоли жон бошига даромад, саноат маҳсулоти бўйича ҳам, шаҳар аҳолиси сони бўйича бошқа ҳудудлардан юқори ўринда туради, 3-жадвал. Хизматлар соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омилларга аҳоли даромадларини, шаҳар аҳолиси сони (урбанизация кўрсаткичи) ва шу соҳага киритилаётган маҳаллий ва хорижий инвестициялар миқдорини, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даржасини киритиш мумкин. Яна бир муҳим омил, бу хизмат кўрсатиш турлари бўлиб у қанча кўп бўлса, у аҳолининг шу хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиради.

3-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар³, 2017 йил

Аҳоли жон бошига тўғри келади

№	Ҳудудлар	Аҳоли жон бошига тўғри келади			
		Жами даромад	Саноат маҳсулоти	Кўрсатилган хизматлар минг сўм	Аҳоли, минг киши шаҳар Қишлоқ
1.	Ўзбекистон Республикаси*	5800,0	4451,9	116795,7	16533,9 16120,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	4129,3	3644,5	3535,0	905,6 936,8
вилоятлар:					
3.	Андижон	5412,2	4429,2	6640,9	1576,5 1435,1
4.	Бухоро	6744,2	3421,7	5364,1	698,6 1171,4
5.	Жиззах	4216,5	1743,1	2494,1	622,2 702,7
6.	Қашқадарё	4696,7	3469,9	5841,0	1358,4 1789,7
7.	Навоий	9084,2	1377,5	3034,4	467,5 490,3
8.	Наманган	4284,0	1458,2	5072,8	1743,2 955,8
9.	Самарқанд	4953,7	2487,4	8237,6	1390,9 2328,7
10.	Сурхондарё	4691,4	880,3	4429,2	892,9 1620,2
11.	Сирдарё	5833,2	4206,7	1581,0	349,8 465,9
12.	Тошкент	6076,4	7401,8	9277,2	1412,3 1449,0
13.	Фарғона	4721,5	2675,9	7562,9	2049,6 1570,5
14.	Хоразм	5477,0	2137,7	3552,1	600,8 1203,9
15.	Тошкент ш.	12675,6	11579,3	37529,4	2465,6 -

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Республика статистикасида хизматларнинг 13 та тури бўйича маълумотлар берилган. Қолганлари бошқа хизматларга киритилган. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган

³Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

саноат маҳсулоти ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳажми, шаҳар аҳолиси сони қайси ҳудудда кўп бўлса, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳам ушбу ҳудудларга, деярли, тўғри келади. Бундай ҳудудларга Тошкент шаҳри, Тошкент, Навои, Андижон вилоятлари кириши мумкин. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳажми бўйича, энг кўп даромад Тошкент шаҳрига (12675,6 минг сўм), Навои вилоятига (9084,2 минг сўм), Бухоро (6744,2 минг сўм), Тошкент (6076,4 минг сўм), Андижон (5412,2 минг сўм) вилоятларига тўғри келади. Энг паст даромад Сурхондарё (4429,2 минг сўм), Хоразм (3552,1 минг сўм), Жиззах (2494,1 минг сўм) ва Сирдарё (1581,0 минг сўм) вилоятларига тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар

1. Хизматлар кўрсатиш вақти ва уни истеъмол қилиш вақти бир вақтга тўғри келади, хизматлар кўрсатилганда мулкка эгаллик ҳуқуқи ўзгармайди, бошқа субъектга ўтмайди.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларининг мазмунини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларга доир назарий мулоҳазалар келтирилди.

3. Хизмат соҳаларини ривожлантириш бандлик муаммосини айланиб, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

4. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга иқтисодий ўсиш билан бирга унга таъсир этувчи омиллар бўлган фан-техника тараққиёти, ахборот технологиялари ва инновациялар ҳам кучли таъсир кўрсатади ва бу хизмат кўрсатиш соҳасида чуқур сифат ва таркибий ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

5. Саноат тармоқларини ривожланиши, аҳоли даромадларини ортиши, шаҳар аҳолисини ортиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига, хизмат турларининг кўпайишига, хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик даражасини ошиши билан боғлиқ ижобий тенденцияларнинг содир бўлишига олиб келади.

6. Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Хоразм вилоятларида бозор хизматларини кўрсатиш соҳаларини ривожланиши, аҳоли даромадини оширадиган саноат тармоқлари ва бошқа соҳаларни ривожлантиришни зарурат қилиб қўяди.

7. Аҳоли даромадларини ортиши, юқори савияда хизмат кўрсатувчи хусусий сектор хизматига талабни оширади. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожланиши ташқи ижобий самарани юксалтиради, мамлакатимизни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи, 2017 й. 08.02. №28 (6722).

2. Друккер П.Ф. Классические работы по менеджменту. Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. – 220 с.;

3. Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. – М.: Центр экономики и маркетинга, 1996. - 206 с.; Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы. – М.: ИНФРА-М, 2000. - 256 с.;

4. Мате Э., Таксьер Д. Материально-техническое обеспечение деятельности предприятия.- М.: Прогресс, 1993. – 160 с.; Бекмурадов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 1993. - 54 с.

5. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008, 18 бет

6. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари (назарий жиҳатлар).//Сервис. – Самарқанд, 2009. -№ 1, 37-44 бетлар.